

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК ВА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ибрагимов Вахобжон, ўқитувчи,
Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7529867>

Аннотация: Фуқаролик жамиятида ижтимоий фаоллик ижтимоий муносабатларнинг онгли, беғараз таҳлилига ҳамда уларнинг у ёки бу элементларини ўзгартиришга интилиш даражасини ифодалайди. Инсон ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирон – бир жиддий муаммога дуч келган ҳамда уларни ҳал этиш учун янги қонунларни қабул қилиш ёки мавжуд қонунлар механизмининг такомиллаштириш кераклигини англаган тақдирда ижтимоий фаоллик интилиш янада кучаяди. Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: фаоллик, фуқаролик жамияти, давлат, ижтимоий фаоллик, толерантлик.

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ И ПОВЫШЕНИЯ ТОЛЕРАНТНОСТИ

Аннотация: социальная активность в гражданском обществе выражает степень стремления к сознательному, непредвзятому анализу общественных отношений, а также к изменению тех или иных их элементов. Социальная активность устремленность усиливается, когда человек сталкивается с какой – либо серьезной проблемой, имеющей общественное значение, и понимает, что для ее решения необходимо принять новые законы или усовершенствовать механизм действующих законов. Социальная активность членов общества может проявляться в различных формах.

Ключевые слова: активность, гражданское общество, государство, социальная активность, толерантность.

IMPORTANT ASPECTS OF SOCIAL ACTIVITY AND INCREASING TOLERANCE

Abstract: social activity in civil society expresses the degree of striving for a conscious, unbiased analysis of social relations, as well as for changing certain elements of them. Social activity aspiration increases when a person is faced with any serious problem of public importance and understands that to solve it it is necessary to adopt new laws or improve the mechanism of existing laws. Social activity of members of society can manifest itself in various forms.

Keywords: activism, civil society, the state, social activity, tolerance.

КИРИШ

Фуқаролик жамияти – мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни қафолатловчи маълум ижтимоий тизим. Фуқаролик жамиятини инсонлардаги ўз – ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

Намоён бўлиши табиатига кўра уни конструктив ва деструктив турларга ажратилади. Конструктив ижтимоий фаоллик шундан иборатки, унда жамият аъзолари муайян зиддиятлар билан тўқнашувда ана шу зиддиятларни мавжуд ижтимоий тизим. Қонуний ҳуқуқий дастурлар ёрдамида бартараф этиш учун интилади. Мавжуд қонунлар

асосида ўз манфаатларини ифодалаш, муаммоларни ҳал қилиш учун жамоат бирлашмаларини тузади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Деструктив деб белгилаш мумкин бўлган ижтимоий фаолликнинг мазмуни ўзгачадир. Бундай фаоллик мавжуд ижтимоий тизимга қарши қаратилган бўлиб, уни йўқ қилишга интилишда намоён бўлади. У мавжуд ҳукукий дастурлар билан ўз мақсадига эришиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилиш имкони йўқ, деб ҳисобланган вазиятда юзага келади. Бундай ҳолларда ижтимоий фаоллик аниқ ҳукукий чегараларга эга бўлмайди. Бу эса ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Ижтимоий фаолликнинг ушбу тури ижтимоий муносабатлардаги беқарорлик даврларида кузатилади. Ижтимоий фаоллик ижтимоий толерантлик билан мутаносибдир.

Толерантлик атамаси лотинча «чидамлилиқ» сўзидан олинган бўлиб, ўзгаларнинг фикрлари ва қарашларига нисбатан бағрикенгликни англатади. «Толерантлик – бу тинчликка эришиш имконининг мавжудлиги ҳамда уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданияти сари етакловчи омилдир», дейилади 1995 йилда ЮНЕСКО нинг Бош Конференцияси томонидан қабул қилинган «Толерантлик тамойиллари декларацияси»да. Дарҳақиқат, толерантлик, биз яшаётган дунё маданиятларининг ранг – баранглигини, ўзини намоён этиш шакллари хурмат қилиш, тўғри тушуниш ва қабул қила олиш; ақидапарастлик, мутлоқ ҳақиқатдан воз кечиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳукукий ҳужжатларда белгиланган меъёрларга қўшилиш демакдир. Толерантлик – бу ён бериш, писанд қилмаслик ёки икки юзламачилик эмас, балки энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш асосида қарор топадиган фаол муносабатдир. Толерантлик – бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва ҳатти – ҳаракатига нофаол, табиий равишда бўйсунитишни аниқламайди. Балки алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол ахлокий афзаллик ва психологик ҳозирликни англатади.

Толерантлик ёшларнинг ўзгача фикрловчи шахсларга ҳамда бошқа маданиятларга нисбатан деструктив ҳатти – ҳаракатларнинг олдини олишга асос бўлиб хизмат қилади.

Инсонда болаликдан бошқа одамни қандай бўлса, шундайлигича, унинг фикри, табиати, маданияти, қарашларидаги мураккабликлар билан қабул қила олиш лаёқатини шакллантириш лозим. таълим ва тарбия орқали ёшларга шундай фикрни сингдириш орқали одамлар турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий келиб чиқиши, моддий фаровонлиги ва ҳоказоларга қарамай, ўзаро тенг эканлигини аниқлаштириш лозим.

Огоҳ бўлиш, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ қолмаслик ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Бу эса ёшларни меҳр – оқибат, адолат, демократия руҳида тарбиялаш, уларда ўз ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаолликка бўлган эҳтиёж, турли ва кенг кўламдаги ахборотларни тўғри баҳолай олиш ва янги билим соҳаларини ўзлаштириш каби хусусиятларнинг шаклланишини жонлантиради. Замонавий таълимнинг вазифаларидан бири ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик ва толерантликни ривожлантиришдир[1].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Сергак бўлиш, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ қолмаслик ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини талаб этади. Бу эса ёшларни меҳр – оқибат, адолат, демократия руҳида тарбиялаш, уларда ўз – ўзини тарбиялаш туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ахборотлар кўламини тўғри баҳолай олиш

ва янги билим соҳаларини ўзлаштириш каби хусусиятларни шакллантиришни талаб қилади. Замонавий таълимнинг устуворликларидан бири ёшлар ўртасида бағрикенглик ва ижтимоий фаолликнинг кучайишида намоён бўлади.

Айрим ёшлар ўзгаларининг фикрини тушуна олмаслиги ва тушунишни истамаслиги борасида қийинчиликларга дуч келинади. Улар рўпараларида ўз фикрлаш ва ҳатти – ҳаракат тарзига эга инсон турганлигини ҳатто тасаввур ҳам этолмайди. Кўпинча улар бошқаларга ўз фикрини ўтказишга интилади, бундан ташқари улар бағрикенглик масалаларида саводсиздир. Ўқувчилар бағрикенглигини шакллантириш дарс жараёнида мулоқотда ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойилларидан фойдаланиш яхши самара беради[2].

Жамият ёшлари ижтимоий фаол ва бағрикенг бўлиши учун республикамызда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мавжуд халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, ёшлар сиёсатини амалга оширишни таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш билан бирга, жамиятимиздаги барча табақа кишилари ва алоҳида шахслар онгига уларнинг мазмун ва маъносини сингдириш ва ўзлаштириш ишларига яна ҳам кенгроқ имкониятлар яратиш ва жорий эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ХУЛОСА

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан кўрқув ва ётсираш туйғусини уйғотадиган таъсирларга қарши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустақил фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритишга ўргатиши, уларга ахлоқий қадриятларга асосланган қарашларни шакллантиришга кўмаклашиши лозим. Бу педагогик тайёргарлик даражасини кўтариш, ўқув режалари, дарсликларнинг ва дарсларнинг мазмун – моҳияти, бошқа ўқув материаллари, жумладан янги ўқув технологиялари масалаларига эътибор бериш зарурлигини аңлатади ва бундан кўзланган мақсад эса, бошқа маданиятларга очиқ ва ҳайрихоҳ бўлган зийрак ҳамда масъулиятли, эркинликнинг қадрига етадиган, инсоннинг қадр – қимматини ва индивидуаллигини ҳурмат қиладиган фуқароларни тарбиялаш, зиддиятларнинг олдини олиш ёхуд куч ишлатмаслик воситалари билан ҳал этиш демакдир. Ҳозирги шароитда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлиги тобора юксалиб бораётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Адабиётлар:

1. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Тошкент, 2006 йил, 18-бет.
2. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадиева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Тошкент, 2006 йил, 156-бет
3. Egamberdieva, T., & Alimjonova, M. (2020). PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(6), 277-283.
4. Tojaliev, A. A. (2021). Higher education system-a guarantee of sustainable development of society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1021-1025.

5. Tojaliyev, A. A. (2020, December). The Role Of Innovative Activities Of Highly Qualified Personnel In The Strategic Development Of The Regions.
6. Ibragimjanovna, A. M. (2022). About the Development Competence of Students Intercultural Communicative. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 350-356.
7. Алимжонова, М. (2022). ГЛОБАЛИЗАЦИОННО-КУЛЬТУРНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ИНТЕГРАЦИОННОЕ СОСТОЯНИЕ НАУКИ, ОБРАЗОВАНИЯ И ПРАКТИКИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 323-328.
8. Mamasoliev, R. A. (2022). ANALYSIS OF SYNONYMS FOR THE CONCEPT OF TEACHER IN GERMAN AND UZBEK. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(1), 194-203.
9. Nuritdinova, S. X., & Ibragimov, V. Y. (2022). Problems of Grammatical Interference in Teaching German Language to Uzbek Students. *International Journal of Formal Education*, 1(10), 163-168.
10. Pirmatovich, R. R. (2022). IX-XII ASRLARDA DUNYOVIY ILM-FAN SOHASIDA IJOD QILGAN OLIMLAR VA ULARNING ILMIY MEROSI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 450-452.
11. Arzimatova, I. M. (2021). Women's Rights in Government of a Democratic Society. *Eurasian Scientific Herald*, 2, 23-27.
12. Arzimatova, I. (2022). THE MAIN ASPECTS OF THE MORAL AND AESTHETIC CULTURE OF THE LEADING CADRES IN THE NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 63-72.